

“Ватан таянчи” кўкрак нишонларини топшириш маросими бўлиб ўтди



Термиз Умумқўшин полигонида тумандаги болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати аъзолигига қабул қилинган ўқувчиларга “Ватан таянчи” кўкрак нишонларини тантанали топшириш маросими ўтказилди.

Тадбирда ҳарбий ватанпарварлик ҳаракатига масъул ташкилотлар вакиллари, ҳарбийлар “Ватан таянчи” отряди гуруҳларига аъзо бўлган 10-, 11-синф ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари иштирок этди.

Тадбир давомида буюк аجدодларимиз акс этган сахна кўринишлари ҳарбий хизматчилар томонидан тайёрланган чиқишлар ҳамда қурол ва улардан фойдаланиш кўргазмаси намоиш этилди.